

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**МАХСУС СОН**

---

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК**

---

## **LOOK TO THE PAST**

**SPECIAL ISSUE**



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доцент,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>23. Berdiyev A.A.</b> BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
<b>24. Ботиров Э.</b> МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
<b>25. Валихонова Г. К.</b> РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
<b>26. Ганиева Ч.Х.</b> МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
<b>27. Давлатова Ш.</b> АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
<b>28. Ёдгоров З.Ш.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
<b>29. Жахонов Т.</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
<b>30. Жўраев А.</b> ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
<b>31. Zupunova G.</b> ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
<b>32. Инатов М.Н.</b> XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
<b>33. Кариева Н.А.</b> РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


<b>34.Канимкулов О.Ш.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....	278
<b>35.Камолов Ж.М.</b> ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....	286
<b>36.Курязова Д.</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ....	292
<b>37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х.</b> БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....	299
<b>38.Исматова Н.К.</b> ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....	307
<b>39.Исматуллаев Ф.О.</b> ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	319
<b>40.Кадирова М.Т.</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	329
<b>41.Каромов Ф.Ҳ.</b> ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	334
<b>42.Мажидов Ш.Ф.</b> МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....	340
<b>43.Мамадаминова Б.</b> ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	345
<b>44.Mattiyev O'.B.</b> TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUIJATLARIDA YORITILISHI.....	353

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Давлатова Шоира,  
Термиз давлат университети катта ўқитувчиси

## АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА

*For citation: Davlatova Shoira. SOURCE ON THE HISTORY OF THE PERIOD OF AMIR TEMUR. Look to the past. 2020, SI, pp. 227-232*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-27>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада испаниялик элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга А.Темур саройида бўлганлиги ва у ерда кўрган-кечирганларини ўз кундаликларида баён қилганлиги ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** дукат- Испания тангалари, фанега- Испанияда дон- галла маҳсулотлари учун қўлланган оғирлик ўлчови, бир фанега тахминан ярим килограмм оғирликка тўғри келади, реал-Испанияда пул бирлиги.

Давлатова Шоира,  
старший преподаватель кафедры гражданское общество  
Термезского государственного университета

## ИСТОЧНИК ПО ИСТОРИИ ПЕРИОДА АМИРА ТЕМУРА

### АННОТАЦИЯ

В этой статье посол Испании Руи Гонсалес де Клавихо посетил Самарканд во дворце А.Темур и рассказал о своем опыте в своем дневнике.

**Ключевые слова:** дукат - испанские монеты, фанега - измерение веса зерновых продуктов в Испании, весит около полутора фунтов за фунт, реал- валюта в Испании.

Davlatova Shoira,  
Senior Lecturer Civil Society chair Termez State University

## SOURCE ON THE HISTORY OF THE PERIOD OF AMIR

## TEMUR

## ANNOTATION

In this article, the Spanish Ambassador Rui Gonzalez de Clavijo visited Samarkand at A.Temur's palace and told about his experiences in his diary.

**Index Terms:** dukat - Spanish coins, fanega - Weight measurement for grain products in Spain, weighing about one and a half pounds per pound, the real- monetary currency in Spain.

Долзарблиги. Тарихий манбаларда келтирилишича, ўтган даврлар мобайнида Соҳибқирон А.Темур ҳақида дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларида кўплаб тарихий, адабий ва санъат асарлари яратилган. Ана шундай асарлардан бири Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги" ҳисобланади. Бу кундалик Кастилия ва Леон қироли Генрих III (Манбада Дон Энрико III дейилади.) (1390-1407йй) томонидан Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги элчилар 1403-1406-йилларда Ўрта ер денгизи соҳилидаги мамлакатларда, Туркияда, Кавказ орти ерларида, Эронда ва Туронзаминда, хусусан, А.Темур салтанатида, айнан унинг пойтахти Самарқандда ўз кўрган-кечирганларини, бевосита гувоҳ бўлган турли жараёнлар, воқеалар тафсилотини тўплаб бориши натижасида яратилган тарихий манба ҳисобланади. Манбада таъкидланишича, Кастилия ва Леон қироли Генрих III 1402 йилда ўзининг биринчи элчиларини- Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес Паласуэлосни Амир Темур Туркияда эканида ҳузурига жўнатган. А.Темур ўз ватанига қайтгач, Испания билан дўстона алоқаларини мустақкамлаш мақсадида ўз салтанатининг элчиси Хўжа Муҳаммадқози ал- Кешийни ҳам Испания элчиларига қўшиб Генрих III ҳузурига юборган.

1403 йил Генрих III А.Темур салтанатининг Усмонлилар империяси устидан эришилган ғалабадан сўнг, Соҳибқирон ҳузурига иккинчи элчилар гуруҳини сафарбар этган. Бу элчиларга Руи Гонсалес де Клавихо бошчилик қилиб, унинг таркиби 13 кишидан иборат бўлган. Улар 1403 йил 22-май куни Жанубий Испаниянинг Кадис шаҳридаги бандаргоҳдан йўлга чиқиб, орадан 15 ой ўтиб, 1404 йил август ойида Самарқандга етиб келишган, 1404 йил 8- сентябрь куни А.Темур томонидан қабул қилинган. Испания элчиларининг Амир Темур давлатига сафари 1406 йилгача давом этган, айнан Самарқанддаги сафари 1404 йилнинг сентябрь- ноябрь ойларига тўғри келади. Клавихо ўз юртига қайтгач, 1403-1406 йиллар давомида бу ҳудудларда сафарда юриб, элчи сифатида тўплаган кундаликларини ҳисобот тарзида қирол Генрих III га тақдим қилган. Мазкур кундалик биринчи марта 1582 йилда Севилья шаҳрида Арготе де Молина томонидан "Хистория дел Грант Таморлан" (" Буюк Темурланг тарихи") номи билан нашр қилинган. Ундан кейин ҳам "Темур қароргоҳи", "Самарқандга саёҳат кундалиги" номлари билан испан тилида бир неча бор чоп этилган. Кейинчалик Соҳибқирон фаолиятини, Европа билан Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини ўзида ифода этган мазкур асар дунёдаги кўпгина тилларга таржима қилинган ва XX асрнинг 80-йилларида филология фанлари доктори, профессор Очил Тоғаев томонидан ўзбек тилига ҳам ўғирилган.

Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги"да Соҳибқирон томонидан забт этилган ҳудудларнинг умумий аҳволи, давлатни бошқариш тартиби, бошқа давлатлар билан ўзаро сиёсий ва савдо

алоқалари ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган. Бундан ташқари А.Темур ва темурий шаҳзодалар томонидан ўша даврда бунёд этилган иншоотлар: қасрлар, масжид, мадрасалар, хонақоҳлар, савдо расталари тўғрисида тарихий маълумотлар мавжуд.

## 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур илмий мақола тарихий-қийсий таҳлил, географик детерминизм, статистик-қийсий солиштириш шунингдек, фанлараро ёндашув, тавсифлаш ва қийслаш каби методларга асосланган.

## 3. Тадқиқот натижалари:

Ушбу асарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, унда салтанатнинг маркази Самарқанднинг ўша вақтдаги тарихий-географик ўрни, табиати, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилиги, этнографияси, меъморчилигининг Клавихо томонидан тавсифланишидир. Испания элчиси бу шаҳарни: "Самарқанд шаҳри текисликда жойлашган бўлиб, атрофи тупроқ қалъа ва чуқур хандақ билан ўралган. Самарқанд (яъни унинг тупроқ қалъа ичкарасидаги қисми) Севилья шаҳридан хиёл каттароқдир", [1]-дея таърифлайди ҳамда Самарқандни Испаниянинг Севилья шаҳри билан таққослайди.

Муаллиф ўз кундалигида шаҳар атрофидан бир ярим, баъзан икки лига масофага чўзилган боғлар ва токзорлар билан ўралганлигини таъкидлайди. Бу ҳақида: "Боғ ва токзорлар шу қадар кўп эдики, кириб келаётганингизда шаҳар бамисоли баланд дарахтлардан ҳосил бўлган ўрмон ўртасида жойлашгандай кўринарди. Шаҳар бўйлаб ва боғлардан кўплаб ариқлар ўтказилган" [2], - дейилади манбада. Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Нав, Боғи Давлатобод сингари боғлар, у ерларда ўтказилган тадбирлар ҳам муаллиф томонидан қаламга олинган. Яна боғлар оралиғидаги кўча ва майдонларда аҳоли истиқомат қилиши, шаҳардан ташқаридаги боғларда эътиборли йирик хонадонлар, подшоҳ саройлари ва бош омборхоналар жойлашганлиги, боғларда кўплаб шаҳарлик зодагонларнинг уй ҳамда бошқа бинолари мавжудлиги қайд этилади.

Ўзбек темуршунос олимларидан бири Абдулаҳад Муҳаммаджонов 2011 йилда чоп этилган "Амир Темур" рисоласида келтирган айрим маълумотлар Клавихо ўз "Кундалик"ларида ёзиб қолдирган баёнлар билан ҳамоҳанг. Бу ҳақида: "Соҳибқирон Самарқанд атрофида кўпгина гўзал боғлар бунёд эттирди. Моҳир меъмор, тажрибали соҳибкорларнинг ақл-заковати, меҳнатию маҳорати билан барпо этилган Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд, Давлатобод, Боғи Нав, Боғишамол, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Майдон каби чорбоғлар ва улардаги гўзал кўшклар ўша давр боғдорчилик санъатининг намуналаридандир. Тузилишига кўра боғлар икки турда бўлган. Биринчи турдаги боғлар ҳар томони тахминан бир км. Масофага чўзилган тўртбурчак шаклдаги чорбоғлар бўлиб, иккинчи турлари эса табиий дарахтзор, бутазор ва ўтлоқ майсазорларда барпо этилган кўриқхоналардир. Бундай кўриқхоналар ҳукмдорларнинг ов (шикор) қилиши учун мўлжалланган", - дейилади. [3]

Руи Гонсалес де Клавихо Самарқанднинг деҳқончилиги ҳақида фикр юритиб: "...боғлар оралиғида анча- мунча қовун ва пахта экилган. Бу мамлакатнинг қовуни жуда мўл ва ширин эди. Ҳар куни шу қадар кўп қовун ортилган туялар келар эдики, бу қовунлар қай йўсинда харид қилиниб, қандай истеъмол этилишига ажабланмаслик мумкин эмас", [4]- дейди. У қишлоқларда қовуннинг кўплигидан ҳатто қовунларни қуритиб, қовун қоқи тайёрлаш, қовун қоқини келаси йилгача сақлашлари борасида ҳам маълумотлар беради. Шу ўринда яна шуни ҳам эътиборга

олиш керакки, асардаги фикрлар орқали элчи қовун қоқи тайёрлаш технологиясини ҳам маҳаллий аҳолидан яхши ўзлаштирганлигини англаб олиш мумкин. Бу тўғрида у: " Қовун қоқини қуйидагича тайёрлайдилар: қовунни кўндалангига катта-катта қилиб тилимлаб кесадилар, пўчоғини арчиб офтобга қўядилар. Қуригандан кейин қовун бўлақларини устма-уст тахлаб, қопга соладилар ва шу тарзда келгуси йилгача ажратадилар"[5],- дейди.

Асарда муаллиф Самарқандда деҳқончилик ва чорвачилик ниҳоятда ривожланганлиги, маҳсулотлар нархи анча арзон бўлганлигини ҳам назардан четда қолдирмаган. Самарқандга: бу юрт дон-дун, мева- чева, парранда гўшти ва бошқа ҳар хил гўшт, ҳамма нарсга бой мамлакат,- деб баҳо беради.

Яна Клавихо Самарқанднинг қўйларини ҳам ниҳоятда ҳайротомуз тарзда таърифлайди. Унингча: "Қўйлари катта, сердумба, жуда йирик бўлади. Думбаси одам қўлларида зўрга кўтарадиган даражада огир- ярим пуд, яъни думбаси 8-10 килограмм келадиган қўйлар бор. Сердумбали қўйлар шу қадар кўп ва арзон эдики, подшоҳ лашкари Самарқандга йиғилиб келган кезларда бундай қўйлардан бир жуфтнинг нархи бир дукат турарди. Бошқа моллар ҳам шу қадар арзон, бир фане 6 га арпанинг баҳоси чамаси ярим реал эди,"-[6]дейди. Клавихо аҳолини турмуш тарзи ва бозорларни ўрганиши асносида нонни, гуручни текин, жуда кўплигини изоҳлаб, ҳамма жойни босиб кетган иборасини ҳам ишлатади. Ушбу фикрлардан шу ҳолат аёнки, А.Темур даврида Самарқанд гуллаб- яшнаган, юрт анча обод бўлган, халқ хўжалигининг барча соҳалари ривожланган, серобчилик сабаб мамлакатда нон, гўшт, гуруч сингари асосий озиқ-овқат маҳсулотлари арзон бўлган.

Яна "Кундалик" да Темур даврида бу ҳудудда ҳунармандчиликнинг ривожланишига катта эътибор қаратилганлиги тўғрисидаги қуйидаги фикрлар ҳам акс этган: "Бу ерда кўплаб ишлаб чиқариладиган атлас, кимхоб, сандал, тафта ва терсеналь сингари шоҳи газламалар, мўйна ва шоҳидан тайёрланган астарликлар, упа-элик ва бошқа пардоз моллари, зиравор- дориворлар, зарҳал ва кўк- ложувард бўёқлар, бошқа нарсалар ҳам мўл-қўл эди. Подшоҳ шаҳарнинг шуҳратини ошириш ниятида шу қадар кўп сабй- ҳаракатлар қилдики, у қайси бир мамлакатни забт этган ва бўйсундирган бўлса, уларнинг ҳаммасидан ҳунарманд одамларни олиб келиб, Самарқанд ва унинг теварак- атрофидаги ерларга жойлаштирди."[7]

Манбани ўрганиш асносида Руи Гонсалес де Клавихо элчи сифатида Самарқандда ўтказган вақти давомида бу юртнинг табиий шароитлари-ю, барча имкониятлар ва шунинг билан бирга Соҳибқирон А.Темурнинг кўпгина хислатлари, иш услублари, тадбиркорлигини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиб борганлигини билиш мумкин. У Соҳибқироннинг Дамашқдан ҳар хил шойи газламалар тўқийдиган, камон ва бошқа қурол- яроғ ясайдиган, жаҳонда энг юксак ҳисобланган дамашқ шиша ва сопол идишлари ишлаб чиқарадиган ҳунармандларни, Туркиядан ўқ-ёй усталари, тош йўнувчилар, қўли гул заргарларни олиб келганлигини қайд этади. Унинг ёзиб қолдиришича: "Подшоҳ турли томондан Самарқандга йиғиб келтирган ҳар хил тоифадаги эркак ва аёлларнинг ҳаммаси, айтишларича, бир юз мингдан ортиқ эди. Улар орасида турк, араб, мавр ва бошқа элатлар, насроний арман, католик юнонлар, наскоринлар, якобитлар ва ўтга топинувчи ўзига хос мазҳабдаги насронийлар ҳам бор эди. Бошқа мамлакатлардан Самарқандга олиб келинган халқ ҳайратланарли даражада шу қадар кўп эдики, шаҳар, кўча ва майдонларга, қишлоқларга ҳам одам сифмай

кетган эди."[8] Мазкур ҳолат А.Темур давлатида кўп миллатли ва турли динга эътиқод қилувчи кишилардан иборат таркиб шаклланганлигини билдиради.

Клавихо А. Темур давлатининг ички сиёсатини ўрганиш билан бирга унинг ташқи сиёсати, бошқа мамлакатлар билан турли соҳадаги алоқалари, айниқса, савдо- сотиқ муносабатлари тўғрисида ҳам ўз асарида қимматли маълумотлар берган. Жумладан, бу ҳақида: "... бошқа мамлакатлардан келтирилган мол- маҳсулотлар ҳам беҳисоб эди. Русия ва Тотористондан чарм ва қалин газмол, Хитойдан зўр санъат билан тўқилган шоҳи газламалар, жаҳонда энг сара мато ҳисобланган атласлар, айниқса, гулсиз атласлар, шунингдек, фақат Хитойда мавжуд бўлган мушк, ёқут, олмос, хуллас, бу мамлакатда мавжуд бўлган нарсаларнинг катта қисми, марварид, ровоч ва кўплаб ҳар хил хушбўй зиравордориворлар олиб келинади."[9] Унинг талқинича, ўша вақтда Хитой моллари бошқа мамлакатлардан келтирилган молларга нисбатан энг сифатли ва қимматбаҳо ҳисобланган. Муаллиф Ҳиндистон моллари ҳақида ҳам тўхталиб, у ердан Самарқандга энг аъло нав майда, хушбўй зираворлар, мускат ёнғоқлари, қалампирмунчоқ, мускат бўёғи, долчин бўёғи, инбир, оқшоқ сингари моллар олиб келинганлигини таъкидлайди. Элчи ҳатто Ҳиндистондан Искандария салтанатига олиб борилмайдиган ҳар хил моллар Самарқандга келтирилишини алоҳида айтиб ўтган.

Бу ҳақида "Темур тузуклари"да ҳам Соҳибқироннинг ўзи: " ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофирларининг бошини силадим, улар турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакату диёрга савдогарлар ва қарвонбошилар тайинладимки, улар Хўтан , Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистонгами, қаерга боришмасин, у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тўхфаларидан келтирсинлар... ",-дейилдади.[10]

Китобда яна Руи Гонсалес де Клавихо А. Темур саройида ва салтанатида меҳмонлар, айнан элчиларга муносабат, айрим зиёфатлар, тадбирлар, тўйлар, уларда шу ҳудуд аҳолисига хос бўлган жиҳатлар, дастурхон тайёрлаш, таомлар пишириш хусусида ҳам ўз кўрган- кечирган хотираларини ёзади. Унинг ёзиб қолдирган маълумотларида салтанатда гўшт ниҳоятда сероб бўлганлиги, шу сабаб турли тадбирларда гўшт маҳсулотларидан тайёрланган таомлар кўплиги, кўчаларда ҳам харидорлар учун гўштли овқатлар мўл пиширилганлиги айтилади. Асарда бу борада: " Самарқанднинг кўплаб майдонларида яхна ва ҳар хил усуллар билан пиширилган гўшт, жуда дид билан тайёрланган товуқ ва парранда гўштлири, ҳар хил таомлар, жуда покизалик билан пиширилган нон, тоза мева-чевалар сотилмоқда. Ушбу майдонларда кеча-ю- кундуз одам гавжум, савдо- сотиқ узлуксиз давом этади. Шунингдек, кўплаб гўшт дўконларида ҳар хил -товуқ, каклик ва тустовуқ гўштлири сотилади. Буларни кеча-ю-кундуз, истаган пайтда харид қилиш мумкин",[11]-дейилади.

Асарда 1404 йил 8- сентябрь душанба кунда А.Темур испаниялик ва бошқа мамлакатлардан келган элчилар билан Боғи Дилкушода танишув маросими ўтказганлиги, маросимда подшоҳ уларга катта зиёфат берганлиги, ҳар икки томон бир- бирларига совға- саломлар топширишганликлари тўғрисида ҳам батафсил маълумотлар баён қилинган. Элчининг хотирлашича, таништирув тугаб, меҳмонлар ва бошқа одамлар тартиб билан ўз ўринларига ўтирганларидан сўнг қайнатилган, тузланган, қовурилган қўй гўштлири ҳамда қовурилган от гўшти дастурхонга тортилган. Клавихо ҳатто гўштлир дастурхонга қандай идишларда, қай тартибда

қўйилганлигини ҳам ўз кундалигида шундай ёзиб қолдирган: "Улар гўшларни олтин, кумуш ва ҳатто сопол лаганларга, шунингдек, бу ерларда нодир буюм ҳисобланган қимматбаҳо чинни идишларга бўлаклаб қўя бошладилар. Бу ерларда фахрли тансиқ овқат ҳисобланган отнинг суяксиз яхлит пиширилган сон гўштидан ўнта олтин ва кумуш идишга бўлаклаб қўйдилар. Қўйнинг суяги ажратиб олинган семиз сон гўшти, муштдай бўлақлардан иборат от буйраги ва яхлит пиширилган қўй каллаларини ҳам идишларга қўйдилар." [12]

#### 4. Хулосалар:

Хуллас, Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги" жаҳон давлатчилиги ва миллий давлатчилигимиз тарихини XIV- XV асрларга оид айрим жиҳатларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Ушбу тарихий асардан Соҳибқироннинг давлат бошқарув санъати, ундаги тартиб-қоидалар, мамлакатнинг иқтисодий- ижтимоий тараққиёти, хўжалиги, аҳолининг турмуш тарзига оид бўлган баъзи ҳолатларни ўрганиш мумкин. Клавихонинг ушбу кундалиги "Ер куррасининг Осиё номи билан улуғланган энг улкан қитъаси инсоният тарихида ўчмас из қолдирган машҳур саркарда, буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темурнинг дунёга келиши, ҳаётининг фаолияти ва авлодларга қолдирган беназир заковатли мероси ҳақида сўз юритилар экан, аввало шуни таъкидлаш жоизки, унинг изчил даҳоси инсоният ўтмишида содир бўладиган оддийгина ҳаётининг воқеа ёки кундалик ҳодисалардан моҳиятан ҳамда оқибатан шубҳасиз тубдан фарқ қилган" [13]лигини кўрсатади.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. (1403-1406й) Т, Ўзбекистон, 2010, [198] (Rui Gonzalez de Clavijo. Diary of a trip to Samarkand to the Amir Temur Palace. (1403-1406y) T, Uzbekistan, 2010, [198])
2. Ўша ерда. [198] (There. [198])
3. А. Муҳаммаджонов. Амир Темур. Т, Abu matbuotkonsalt, 2011 [18] (A. Muhammadjonov. Amir Temur. T, Abu Press Press, 2011 [18])
4. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. (1403-1406й) -Тошкент: Ўзбекистон, 2010, [198] (Rui Gonzalez de Clavijo. Diary of a trip to Samarkand to the Amir Temur Palace. (1403-1406y) -T., Uzbekistan, 2010, [198])
5. Ўша ерда. [199] (There. [199])
6. Ўша ерда. [200] (There. [200])
7. Ўша ерда. [200] (There. [200])
8. Ўша ерда. [200] (There. [200])
9. Ўша ерда. [200] (There. [200])
10. Темур тузуклари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2011 [94] (Temur's Traps. -T., Uzbekistan, 2011 [94])
11. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. (1403-1406й), Т, Ўзбекистон, 2010, [200] (Rui Gonzalez de Clavijo. Diary of a trip to Samarkand to the Amir Temur Palace. (1403-1406y). -T., Uzbekistan, 2010, [200])
12. Ўша ерда. [200] (There. [200])
13. Муҳаммаджонов А. Амир Темур. -Т., Abu matbuot konsalt, 2011 [4] (Muhammadjonov A. Amir Temur. T, Abu Press Press, 2011 [4])

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000